

**АХБОРОТ–ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ ШАХСГА
ТАЪСИР ЭТУВЧИ ВОСИТА ВА УСУЛЛАРИ**

Жамоат хавфсизлиги университети
Махмудов Розмет Муратович п.ф.д., профессор
Жамоат хавфсизлиги университети
Хайдаров Исмоил Оллоқулович п.ф.н.доцент

“Агар биз ёлғон ғояга алданганларни ўз холига ташлаб қўядиган бўлсак, эртага четда пайт пойлаб турган қабих ёв келиб, уни ўз ортидан етаклаб кетмаслигига ким кафолат беради”. Ўзбекистон республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев.

Ўзбекистон давлати дунё ҳамжамиятининг тенг вакили сифатида мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб турли йўналишлар бўйича ўз оқилона сиёсатини ишлаб чиқди ва унга амал қилиб келмоқда. Мамлакатимиз ички ва халқаро миқёсидаги ахборот алмашинувида ўзига хос ва мос ҳамда бошқа мамлакатларга зарар етказмайдиган давлат сиёсатидан фойдаланмоқда. Шунини ҳам айтиш керакки, шу сиёсатга мувофиқ иш олиб бориш барчага: давлат тузилмалари, ОАВ, жамоат ташкилотлари учун, қолаверса, бутун мамлакат учун фойда бериши муқаррар. Ушбу сиёсатдан чекланиш эса давлат миқёсидаги бирликка, ҳамжиҳатликка путур етказди.

Шахс томонидан ахборотни қабул қилишнинг ҳал этувчи мезони – бу инсоннинг онги борлигидир. Мазкур онгдан фойдаланиб, мантиқий исбот ёрдамида одамга хоҳлаган, энг номаъқул ғояни ҳам “тўғрилигини” исботлаш мумкин, бу қийин эмас. Бунинг учун далилларни усталик танлаб, исбот жараёнини яхши тузиш кифоя. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка таҳдиднинг биринчи манбаси – бу инсоннинг ўзидир. Масалан, ҳар бир инсон ҳулқи, нуқтаи назари ва позицияси турли ахборот ёрдамида ҳар хил бошқарилиши мумкин. Сиёсатшунослар ёки журналистлар бир воқеани, битта фактни шундай талқин қила оладикки, ундан кенг аудитория ижобий ёки, тескари, салбий хулоса чиқариши одатий ҳол бўлиб қолган. Шундай экан, ахборот-психологик хавфсизлик таҳдиди тизимида фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон ОАВ улар учун энг муҳим омиллар бўлган тезкорлик ва ҳақиқатгўйлик принциплари асосида иш олиб боришлари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот–психологик хавфсизликнинг шахсга таъсир этувчи восита ва усуллари аслида кўп, лекин анъанавий равишда улар учта асосий турга бўлинади: шахсга, жамиятга ва давлатга таъсир этиши кузатилган.

Ахборот билан ишлаш бир нечта асосий буғинларни ташкил этади, уларнинг иш механизми эса қуйидагидан иборат:

1) маълумотни қабул қилиш, англаб олиш ва эслаб қуйиш;

2) ахборотни англаш ва эслаб қуйиш жараёнида материални қабул қилувчи томонидан унинг билими ва психологиясидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаш ва янгиланган ахборотни шахс хотирасида сақлаш;

3) ахборотни тарқатиш. ҳар бир босқичнинг ўз қоидалари бор ва уларга риоя қилмаган одам ушбу фаолиятда инкирозга учрашиши аниқ.

Замонавий босқичда шахснинг ахборий-психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг кўлами анча кенг. Буларнинг ичида асосийлар деб қуйидагиларни келтириш мумкин.

Биринчи ўринда шахс кадр-қиммати поймол қилмаслик, фикр ва сўз эркинлиги, адабий, бадиий ва илмий ижод эркинлиги.

Иккинчидан шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирни ҳимояси.

Учинчидан оммавий ахборот воситалари эркинлиги, ҳар бир киши уларда қонун доирасида ўз фикрини айта олиши. Мутахассисларнинг қузатувларига мувофиқ, ОАВда фуқаролар ўз фикрларини эркин айтишлари давлат учун хавfli эмас, одамлар эса уларнинг сўзини бошқалар ҳам этиштишини хоҳлайди ва шунга интилади.

Тўртинчидан – маънавий кадриятларга, халқнинг урф-одатларига, жамиятнинг маданий меросига қимнингдир томонидан ҳужум қилиниши.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки одамнинг тажрибаси ва билими қанча кўп бўлса, унга четдан туриб таъсир қилиш имкониятлари шунча кам бўлади.

Бу ҳақда Биринчи президентимиз Ислам Каримов шундай деган: “Маърифатпарварлик биз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди” (Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 23-24 б.).

Ҳозирги кунда ёшларни ҳар қанда маънавий ва мафқуравий таҳдидлардан айниқса, ички таҳдидлар ҳимоялашга салбий таъсир этувчи омиллар бу, талабалар ва аҳолини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари етарли эмаслиги, фуқаролик жамиятининг институтлари ривожланмаётганлиги ва фуқароларнинг давлат ва нодавлат ташкилотларига мурожаатлари жавобсиз қолиб кетиши, ахборот бозори қандай ривожланиши давлат томонидан назорат қилинмаслиги, фуқаролар давлат тузилмалари фаолияти ҳақида етарли ахборот ололмаслиги ҳамда юқори ташкилотлар

томонидан қабул қилинган қарорлар уларга тушунтириб берилмаслиги ва бошқлар киради.

Бугунги кнда ёшларимиз ва давлатимизни ҳимоялаш учун, кишиларда ахборот истемоли маданиятини юксак даражада шакллантиришга эришиш зарур. Шундагина маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, уларни нотўғри талқин этишнинг олди олинади. Энг муҳими эса, ахборот истемоли маданиятига эга инсон, жамият, халқ ва миллат ғаразли манфаатлар доирасидаги геохабарлар таъсирига тушиб қолмайди. Албатта, ахборот истемоли маданиятининг шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тизимли равишда саъй-ҳаракатларни олиб боришни тақозо этади.

Ёшларни, хусусан, ўқувчи ёшларни интернет тармоғи ва ташқи оммавий ахборот воситаларининг салбий таъсиридан қандай химоя қилиш мумкин? Бу саволга кўпчилик ахборот оқимларига тўсиқ қўйиш, кўрсатмаслик, ман қилиш деган жавобларни берадилар.

Ахборот технологияларининг жамиятга кўрсатаётган ижобий ва салбий таъсири бизнинг фикримизча ёшларга ахборот технологияларининг ҳалқаро каммуникацияларни жамиятга кўрсатаётган, яъни ижтимоий ҳулқ моҳиятига кўрсатилаётган ижобий таъсирини кўрсатиш билан бирга унинг салбий тарафларини ҳам тўлалигича ёритиб беришни зарур деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда, ёшлар ҳулқига юқоридагиларнинг салбий таъсири қандай?

Салбий таъсирлар булар қуйидагилардир: ёшлар ҳулқ-атворида кекса авлод малакаларига риоя қилиш ҳоҳишлари камайиб, уларнинг ўрнига замонавий шаклларни яратишга, ўзининг дағаллиги билан кескин ажралиб туришига алоҳида эътибор беришга қаратмоқда; томошабин ёшлар ҳулқ-атворида вульгарлик, ҳаракатида қўполлик, нутқ фаолиятида дағаллик, юриш-туришида ибосизлик, шарм-ҳаёсизлик иллатларини шакллантирмоқда.

Тарбияга салбий таъсири ва зарари борасида гап кетганда миллий урф-одатларга салбий таъсир этиб, одамларни номуссизлик, жаҳолат, шафқатсизлик, шахвоний ҳаёт наъмуналари билан таништирмоқда. Буларнинг барчаси ёшлар ҳулқининг бузилишига олиб келмоқда, шахслараро муносабатларни ўзгартириб, шарқона тарбияга путур етказмоқда. Бунинг натижасида ёшларнинг психологиясига, руҳиятига етказилган зарарни қанчалик хавфлилигини айтмаса ҳам бўлади. Маънавий таҳдид тушунчаси бугунги кунда кенг ишлатилмоқда. Баъзида бу тушунчанинг маъносини англаш қийин кечмоқда. Шу маънода бу ўринда маънавий таҳдидлар тушунчасининг педагогик мазмунини аниқлаштириб олишга эҳтиёж бор. Бугун инсоният ноодатий уруш билан юзма юз келди. Урушки, ҳеч қандай ўқсиз, танқларсиз, қуролсиз... аммо қурбонларсиз эмас. Бу урушнинг номи информатсион уруш деб номланади. Мен информатсион

урушни вирусга ўхшатаман. Ўқ ташқаридан ёриб кириб сизга жароҳат етказиши мумкин, аммо вирус ичкаридан емиради. Бугун Ўзбекистон ривожланаётган давлат сифатида яхшиси баробарида информацион хуружларга ҳам учрамоқда.

Давлатлар ўртасидаги чегаралар муҳим аҳамият касб этмай бораётган бир пайтда, Марказий Осиёда, Афғонистондек нотинч давлат жойлашган минтақада ахборот уруши тобора кучайиб бормоқда. Шу билан бирга, халқимиз, жамиятимиз янги йўлга, янги ислохотларга қадам қўяётган вақтда, бу ўзгаришларни холис, ижобий тарзда ёритиш билан бирга, халқни руҳини синдириш, тўғри йўлдан адаштиришга уринаётганлар ҳам учраб турибди. Кўпчилик оддий одамлар, шунингдек, жамиятнинг зиёли қатлами билан учрашганда, уларда баъзан иккиланиш кайфиятини сезамиз. Дунёда иккиланишдан ортиқроқ зарар, иккиланишдан оғирроқ азоб йўқ. Улар мақсадга эришишда озгина машаққат ва изтироб ўтиш кераклигидан иккиланишмоқда. Бугун бўлаётган информацион хуружларнинг ҳам асосий мақсади халқни эртанги кунга бўлган ишончини синдиришдир. Бу жараёнда иккиланишлар аянчли натижаларга олиб келиши мумкин.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ёшларимиз ва давлатимизни ҳимоялаш учун, кишиларда ахборот истемоли маданиятини юксак даражада шакллантиришга эришиш зарур. Шундагина маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, уларни нотўғри талқин этишнинг олди олинади. Энг муҳими эса, ахборот истеъмоли маданиятига эга инсон, жамият, халқ ва миллат ғаразли манфаатлар доирасидаги геохабарлар таъсирига тушиб қолмайди. Албатта, ахборот истеъмоли маданиятининг шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тизимли равишда саъй-ҳаракатларни олиб боришни тақозо этади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Қуролли Кучларимиз – мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир” Хавфсизлик кенгаши мажлисидаги нутқи. // “Ватанпарвар”, 2018 й., 2-сон.

2. Мўминов Ф.Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Т.:2010.

3. Ф.Мўминов, Ш.Баротов ва бошқ. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2013. – 196 б.

4.Самаров Р.С. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини та’минлаш механизми. Тошкент 2017.3.

5.Шермухамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация.- 2000.-Б.37